

**ЧЕЛЯБИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ КУЛЬТУРЫ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ ИСКУССТВ И КУЛЬТУРЫ  
УЗБЕКИСТАНА**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ  
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ТАДЖИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ КУЛЬТУРЫ И  
ИСКУССТВ ИМЕНИ МИРЗО ТУРСУНЗОДА**

**ТАДЖИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ ЯЗЫКОВ  
ИМ. СОТИМ УЛУГЗОДА**

**ГОСУДАРСТВЕННАЯ АКАДЕМИЯ ХОРЕОГРАФИИ УЗБЕКИСТАН**

**РОССИЯ – УЗБЕКИСТАН – ТАДЖИКИСТАН.  
АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МЕЖКУЛЬТУРНЫХ  
КОММУНИКАЦИЙ: СОХРАНЯЯ ПРОШЛОЕ,  
СОЗДАЁМ БУДУЩЕЕ**

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ  
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ ПРОФЕССОРСКО-  
ПРЕПОДАВАТЕЛЬСКОГО СОСТАВА ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ  
ЗАВЕДЕНИЙ РОССИИ, УЗБЕКИСТАНА И ТАДЖИКИСТАНА**

**18 декабря 2021 г.**

**Самарканд - 2021**

---

*культурной компетенции в процесс профессионально-языковой подготовки переводчиков, проблем социально-культурных и досуговых практик глобальной массовой культуры. Предназначен для ученых, преподавателей вузов, лингвистов, практических работников учреждений социально-культурной сферы, студентов средних специальных и высших учебных заведений. Печатается по решению редакционно-издательского совета Самаркандского государственного института иностранных языков.*

ISBN 978-9943-7692-0-5

- © Челябинский государственный институт культуры, 2021
- © Самаркандский государственный институт иностранных языков, 2021
- © Государственный институт искусств и культуры Узбекистана, 2021
- © Бухарский государственный университет, 2021
- © Таджикский государственный институт культуры и искусств имени Мирзо Турсунзода, 2021
- © Таджикский государственный институт языков имени Сотим Улугзода, 2021
- © Государственная академия хореографии Узбекистан, 2021



Науки юношей питают,  
Отраду старым подают,  
В счастливой жизни украшают,  
В несчастной случай берегут;  
В домашних трудностях утеха  
И в дальних странствах не помеха.

Науки пользуют везде,  
Среди народов и в пустыне,  
В градском шуму и наедине,  
В покое сладки и в труде.

Ломоносов М.В.

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ МЕРОСНИНГ ЎРНИ

Ҳожиёва М. Ш.  
Бухарский государственный университет  
Бухара, Республика Узбекистан

**Аннотация:** Мақолада кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш масаласи алоҳида тадқиқ этилган. Бўлажак ўқитувчилар маънавий-маданиятини ривожлантиришда миллий мероснинг ўрни кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** ўқитувчи, маънавият, маданият, миллий мерос, диний таълим.

Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Маънавий баркамоллик ҳар бир инсоннинг ўзи туғилиб ўсган юртига, тили, дини, маданий мероси, урфодатлари ва кадриятларига бўлган меҳру муҳаббатда ва шу йўлда фидойилигида намоён бўлади. Шахс маънавияти шаклланишида диний таълим ва тарбиянинг, диний кадриятларнинг аҳамияти катта бўлган. Диний таълим асосида шаклланган ва вужудга келган ислом фалсафаси, хусусан, тасаввуф фалсафасининг комил инсон тарбияси хусусидаги ахлоқий қондалари шахс маънавиятининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади.

Маънавий маданиятни шакллантириш учун энг аввало, халқимиз маданий меросидаги илмий билимлар, диний таълимлар ва тарихан таркиб тошган кадриятларни ўрганиш ҳамда уларнинг мазмунини бойитиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Халқимизнинг бой тарихий, диний ва миллий мероси шахс маънавий маданиятининг ўзига хос шаклланишида ҳам диний ҳам миллий хусусиятларнинг уйғунлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланади. Зеро халқнинг маданий кадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Шу нуқтан назардан қараганда халқимизнинг бой маънавий маданий мероси тарихимизнинг ҳар бир босқичида ўзига хос шакланган.

Ўзбек халқининг маданий мероси минг йиллар давомида яратилган. Марказий оснёда қадимги даврда зардуштийлик, буддавийлик таълимларининг халқимиз дунёқарашидан кенг ўрин олиши маънавий маданият шаклланишдаги дастлабки босқич ҳисобланади.

Ўрта асрларда А.Н.Фаробий, А.Р.Беруний, Ибн Синоларнинг ижтимоий фалсафий қарашлари, Имом Бухорий, имом Термизий, имом Мотрудийларнинг исломий таълимлари, Тасаввуф таълимлари намоёндаларининг комил инсон тўғрисидаги қарашлари, Темур ва темурийларда Мирзо Улуғбек ва Али Қушчининг илмий, А.Навоий ва З.М.Бобурнинг адабий меросида, XVII-XIX асрларда Комил Хоразмий, Мунис Хоразмий, Огохий, Аҳмад Донш, Муқимий каби бир қатор адиб ва олимларнинг ижодида халқимиз маънавий маданиятининг энг илғор намуналари ўз ифодасини тошганлигини кўришимиз мумкин.

Уларнинг маънавий мероси асосида маънавиятни янада юқори поғонага кўтаришга ҳаракат қилинган. XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX асрнинг бошларида Туркистон жадид намоёндалари Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон каби маърифатпарварлар маънавий баркамоллик ривожига катта ҳисса қўшганлар.

Миллий маънавий мерос муаммоси мамлакатимизда жамият учун ўта муҳимлик касб этмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоя улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Маънавий маданиятининг шаклланишида ҳар бир халқнинг миллий менталитети, давлатчилиқ тажрибаси, миллий ва диний мероси, илм-фан асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Бизнингча, уларни қуйидагича ажратиш кўрсатиш мумкин.

**1. Миллий менталитет.** Маълумки фанда халқларнинг ақлий руҳий ҳолати, маънавий қиёфаси “менталитет” тушунчаси орқали ифодаланади. Ҳар бир халқнинг бошқа халқлардан ажратиш турадиган ақлий ва маънавий қиёфаси муайян тарихий шарт-шароит, маданий мерос, қолаверса табиий-иклимий муҳит доирасида шаклланади. “Менталитет” миллатнинг

характерига хос негизларни маънавий мерос, тарихий тажриба, урф-одат, маракамаросимларнинг яхлит умумлашган тизимини ташкил этади.

**2. Давлатчилик меросимиз.** Аввало шунини айтиш керакки, Ўзбекистон ҳудудида кўпчилик давлатлар учун хос бўлган соф миллий негиздаги давлатчилик ҳеч қачон бўлмаган. Шунини ҳам қайд қилиш керакки, соф миллий давлатчиликни таркиб топтириш учун ҳеч қандай ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ҳам бўлмаган. Чунки бу ҳудудда қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари ҳаёт кечириб келган. Ўзбекистон заминиде фақат ҳудудий негизлардаги давлатчилик ривожланиб келган.

Албатта, шу асосда мамлакатимиз тараккиётида ўзининг бой меросига суяниши, маънавий юксакликка интилиши зарурдир. Биз кўп бора халқимиз давлатчилик меросига, анъаналарига мурожаат қиламиз. Албатта бунинг сабаби бор. Чунки бугун ривожланаётган Ўзбекистоннинг маънавий, сиёсий, иқтисодий тараккиёти давлатчилик меросимиз билан узвий боғлиқдир. Биз давлатчилик меросимизни ўрганар эканмиз бу борада ҳуқуқий меросимизни ундан алоҳида ҳолда қўра олмаймиз. Миллий давлатчиликнинг асосларини мустаҳкамлашда ҳуқуқий мерос алоҳида ўрин тутади.

Миллий давлатчиликнинг маънавий-ҳуқуқий пойдевори жуда қадимий ва мустаҳкамдир. У кўп минг йиллик тарихга эга. Қадимий Турон, Мавароуннаҳр, Туркистон ҳудудида раванқ топган давлатлар нафақат миллий маънавий маданиятнинг балки, жаҳон маданият тараккиётида ёрқин из қолдирганлар. Марказий оснёда ислом дини билан боғлиқ ҳуқуқ тизими раванқ топганига қадар ҳам зардуштийлик ва “Авесто”га асосланган ҳуқуқий қондалар ҳаракатда бўлган. “Авесто” ўзига хос тарихий, маънавий, ахлоқий аҳамиятга эга бўлган таълимдир. Шу маънода “Авесто” мамлакатимизда диний этикод нуқтан назаридан эмас, балки юксак ахлоқий, маънавий, тарбиявий аҳамиятга эга маданият мерос намунаси сифатида ўрганилади.

**3. Ислоний меросимиз.** Албатта ҳар бир халқ тарихий хотирасида, тарихий ва миллий онгида маълум бир динга мансублиги ҳам ўзига хос ўрин тутади. Халқимиз маънавий маданиятида жаҳон маданияти жумладан, Шарқ маданиятининг ажралмас қисми бўлган ислом динининг ўрни катта. Ислон дини халқимиз маънавий маданияти тарихий негизи сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ислом дини ва анъаналари халқимизнинг миллий турмуш тарзини анъана ва қарашлари билан уйғунлашиб кетган.

Тарихдан маълумки, ислом дини халқимиз маънавий маданиятининг устунларидан бири бўлган. Шунинг учун ҳам барча даврларда ислом динининг ривожига алоҳида эътибор қаратилган. Ислон инсонни фақат эгулик ва маърифат сари етаклаган. Бу борада ислом дини билан уйғунлашган. Инсоннинг энг катта орзуси – бахтли яшашдир, дин инсонларни бахтли яшашга олиб борадиган имкониятдир. Бирок у, ёвуз қучларнинг никобланганқуролига айланса, нафақат бир-икки киши орасида, балки бир неча халқлар ўртасида нифок пайдо бўлишига олиб келади. Халқаро ҳаётга назар солиб, бунинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бир сўз билан айтганда юксак маънавиятли қомил инсонни тарбиялашда халқимиз маънавий маданиятининг ажралмас қисми бўлган ислом динининг ўрни каттадир.

**4. Илмий ва бадий меросимиз.** Халқимиз маънавий маданиятининг юксалишида бой илмий, бадий меросимизнинг ўрни жуда каттадир. Буни нафақат биз, балки дунё халқлари ҳам эътироф этиб келмоқда. Бу мерос ўз даврида қандай аҳамият қасб этган бўлса, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ўтмишдаги алламоларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда. Шарқ мутафаккирлари ўз қарашларида тинчлик, осайишталик, адолат, меҳр-оқибат, биродорлик, ҳамкорлик каби эзгу ғоя ва умуминсоний маънавий қадриятларни ифода қилган. Юксак маънавиятли қомил инсонни тарбиялаш қадимдан халқимизнинг эзгу орзуси бўлиб, А.Н.Фаробий, Ибн Сино, А.Р.Беруний, А.Навойи каби Шарқ мутафаккирлари асарларида, Тасаввуф таълимотида илгари сурилган илғор ғояларда ўз аксини топган. Бугун биз мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, ижтимоий адолат қарор топган, инсонга инсондек яшаш муҳтини таъминлаб берувчи фуқаролик жамиятини барпо этилди.

Шахс қомолотини маънавиятсиз, маънавий маданият меросисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маънавият ривожини эса кишилик жамиятининг олға интилишисиз англаб бўлмайди. Биринчи

иккинчисига чамбарчас боғлиқдир. Бунинг учун эса ижтимоий жараёнларда ҳар бир инсон фаол бўлиши лозим. Ҳақиқий баркамол инсон ўз манфаатини халқ манфаатидан юқори қўймайди, ҳамиша элга ғамхўр бўлади.

Жамиятнинг маънавий тараққиёт жараёни биринчидан, халқимиз, миллатимиз яратган маънавий-ахлоқий кадриятларни, меросни ўзлаштиришга; иккинчидан, шахсни инсоний фазилатларини намоён этишга, жамиятда инсонпарварликни мустаҳкамлашда учрайди. Шу тариқа маънавий тараққиёт жараёнининг ўзи маънавий-ахлоқий фазилатлар, инсонпарварлик тарзида намоён бўлади. Бу эса уни, яъни маънавий тараққиёт жараёнини умуминсоний кадриятлар билан уйғунлаштиришга олиб келади.

Демак, жамиятнинг маънавий тараққиёти ахлоқийлик, инсонпарварлик фазилатларини намоён қилиш ва жамиятда уларни қарор топтириш орқали миллий ва умуминсоний тараққиётда узвийликни, уйғунликни, интеграциялашни таъминлайди. Энг муҳими, у шахсдаги энг эзгу, энг олижаноб ахлоқий-маънавий хислатларни намоён қилишга ва ривожлантиришга имкон беради.

Жамиятнинг маънавий тараққиёт, шахснинг маънавий дунёси ва шаклланиши каби мураккаб, баъзан зиддиятли кечадиган, ҳар доим ҳам бир мезон, меъёрлар билан ўлчанавермайдиган ҳодисалардир. Унинг намоён бўлиши ва шаклланиши ҳар доим ҳам шахснинг, ҳатто ижтимоий муҳитнинг ҳам ихтиёрига боғлиқ бўлавермайди.

Ҳар бир халқнинг урф-одати, кадриятлари мавжудки, ана шу халқнинг маънавий омилли бўлиб хизмат қилади.

Жумланидан, ўзининг бой тарихига эга бўлган халқимизнинг ҳам ўзига хос урф-одати, кадриятлари миллий менталитети доирасида шаклланган бўлиб, асрлар давомида маънавий кадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келади. Буни биз оилада мавжуд бўлган тарбиявий кўринишларда кузатишимиз мумкин. Бугунги кунимизда ҳам ўзининг янги кўринишларида намоён бўлмоқда.

Бугунги ёшларни бузғунчи ғоялардан химоялаш ана шу тарбиянинг марказий муаммосига айланади. Бу борада ота-боболаримиздан бизга тарбиявий мерос бўлиб келган урф-одатларимиз, кадриятларимизни ўрнини алоҳида таъкидлаш зарурдир. Шарқона миллий кадриятларимиздан бири фарзандларнинг ота-онага меҳрибон бўлиши, уларнинг барча айтган гапларини сўзсиз бажаришдир.

Ҳаётда шундай инсонлар ҳам учраб турадики, фарзандларини кечаюкундуз меҳнат қилиб боқиб, вояга етказиб, уйли-жойли қилишади-ю, вақти келса ноқобил фарзандлар ота-онани боқишга қурбон етмай қоладилар. Бу эса оилада маънавий муҳитни яхши йўлга қўйилмаганлигини, фарзандда ёшлигидан билим олиб хунар ўрганишга, меҳнат қилиб ўзини, оиласини, болачақасини боқиб, фарзанднинг ота-онага, қариндош уруғларига нисбатан бўладиган ҳурмат-иззат каби инсонийлик туйғулари шакллантирилмаганлигидан далолат беради.

Қандай бўлмасин фарзанд тарбиясида урф-одатлар, миллий кадриятларга амал қилган ҳолда тарбиявий ёндошиш тақозо этилади. Халқимизда “экканингни ўрасан” деган нақл бор. Отаона тарбия жараёнида фарзандлари қалбига қандай уруғ эккан бўлса, кейинчалик аччиқ ёки чучук меваларни ўзлари татишади. Ота-она, фарзандлар ўртасидаги ишонч, ҳурматга асосланган муносабатлар – оила мустаҳкамлигининг яна бир кўринишидир. Дарҳақиқат, миллий ва диний кадриятларнинг ахлоқий, ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш комил инсонни шакллантиришга, фуқаролик жамиятини яратишга хизмат қилади. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир халқнинг тарихий шаклланган ва ҳаёт синовларидан ўтган ўзига хос бетакрор мерослари мавжуддир.

Маънавий мерос, миллий ва диний кадриятлар ижтимоий ҳаётда, шахс маънавий камолотида ўз ўрнини топиб, биринчидан, ўтган авлодлар яратган мерос сифатида етиб келган; иккинчидан, маънавий мерос илм, фан, кашфиётлар асосида бойиб борган; учинчидан, диний кадриятлар муқаддас иттифоқларга асосланган тарғибот орқали кишилар онги ва дунёқарошига ўрнашиб авлоддан-авлодга ўтиб келган. Исломи дини асрлар давомида халқимизнинг нафақат диний этикоди, балки турмуш тарзи, маънавиятининг таркиби қисмини ташкил этиб, миллий хусусиятларни, кадриятларни ривожлантиришга ҳисса қўшиб келган. Бугунги кунда янги

фуқаролик жамияти куришда ислом дини миллий тараққиётимизнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, ислом дини билан боғлиқ

а) қурбон ва рамазон ҳайитлари ва маросимчилиги асрлар давомида халқимиз онги ва шуури, турмуш тарзига шунчалик чуқур сингиб кетганки, кўп ҳолларда ҳайитлар миллий байрам деб қабул қилинади;

б) бу диний байрамлар ва маросимчилик учун ислом таълимоти томонидан белгиланган талаблардан ташқари, ўзбек халқи бу маросимлар мазмунини маънавий-маърифий, ахлоқий қадриятлар билан бойитган;

в) бу тантанали кунларнинг оилада, маҳаллада, жамоатчилик жойларида ўтказилиши ёш авлодни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашда, миллатига, Ватанига бўлган хурматини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алимасов В. Конфузийлик ва Шарқ давлатчилиги.-Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институт нашр. 2006, 53 -бет. 3
2. Олимов Ш.Ш., Сайфуллаева Н.З. Основные принципы развития духовно-нравственного мировоззрения у студентов //Иновационная экономика: перспективы развития и совершенствования. – 2015. – №. 5 (10).
3. Олимов Ш.Ш., Ходжиева М.Ш. Возможности применения педагогических технологий в образовательном процессе //Молодежь и XXI век-2020. – 2020. – С. 228-231.
4. Жураев Б. Т. Гуманизация дидактических отношений между учителем и учащимся в педагогических идеях Востока //VIII Лазаревские чтения" Лики традиционной культуры в современном культурном пространстве: ренессанс базовых ценностей?". – 2018. – С. 120-122.
5. Жураев Б. Т. Вопросы нравственного воспитания в эпоху Саманидов //Наука, техника и образование. – 2020. – №. 3 (67).
6. Жураев Б. Т. Деятельность педагога по гуманизации учебно-воспитательного процесса //Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI в.: материалы междунар. науч.-творч. форума. – 2017. – Т. 31.
7. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. – 2005.

### **ЗНАЧЕНИЕ ХОРЕОГРАФИИ В ПОВЫШЕНИИ СОЦИАЛЬНОЙ РЕАБИЛИТАЦИИ ДЕТЕЙ С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ**

**Худойназарова Ш. Т.**

**Государственная академия хореографии Узбекистана  
Ташкент, Узбекистан**

**Аннотация:** В статье рассматривается специфика работы, осуществляемой в настоящее время в новом Узбекистане в области хореографии. В частности, определяется значение хореографии в повышении жизненной активности детей с ограниченными возможностями.

**Ключевые слова:** хореография, танец, искусство, психология.

**Annotation:** The article discusses the specifics of the work currently being carried out in the new Uzbekistan in the field of choreography. In particular, the role of choreography in enhancing the vital activity of children with disabilities is determined.

**Key words:** choreography, dance, art, psychology.

В настоящее время в Узбекистане во всех сферах социально-экономической жизни проводится определенные исследования. Достигнуты заметные успехи и в развитии узбекской хореографии. В академии хореографии, единственной в Узбекистане, воспитывается будущие творцы - педагоги-хореографы и руководители любительских хореографических коллективов. Студенты магистранты ведут активные научно-педагогические исследования.

Основное внимание в искусстве хореографии уделяется практической работе, как основной обучающей форме. Теории же пока не хватает научных разработок и исследований.

<b>Балиев Д. А.</b> Основные направления национальной оидлотекиси 1 аджиккисанас: сосоанне и развкне в перюд пандемии.....	255
<b>Джамирова Л. И.</b> История и формирование понятия «возраст».....	259
<b>Комарова О. К.</b> Роль учреждений дополнительного образования в профессиональном самоопределении детей и подростков.....	264
<b>Мадримов Б.Х.</b> Хоразм мусика фольклорининг ўкувчилар эстетик тарбиясига таъсири.....	266
<b>Мамадазимова М. М.</b> Из опыта исследований в библиотеках и книгохранилищах стран востока (Китай и Индия).....	269
<b>Муродова Р.</b> Воситохон ахбори омма дар омўзиши МТС «ЗЕРКАЛО».....	271
<b>Мухамедова М.А.</b> Parijda “tus mavsumlari”. Ijrochilik san’ati.....	277
<b>Насибова М.Т.</b> Мехргон - таҷассумгари суннатҳои неки инсон.....	280
<b>Погорелова Н.В., Решетникова А.А.</b> Тематическая смена в детском оздоровительном лагере как среда экологического воспитания.....	283
<b>Пономарёва П. А.</b> Фестивальное движение как инструмент продвижения арт-продукта.....	286
<b>Рахмонов А.А.</b> Формирование информационной культуры студентов (Социокультурный аспект).....	289
<b>Рачабов Т.И.</b> Musiqa ta’limida bolalar fol’klor qo’shiqlaridan foydalanish imkoniyat va muammolari.....	292
<b>Степанова Т. П.</b> Развивающий потенциал досугового общения.....	297
<b>Ўринов Ш. К., Ражабов Т. И.</b> Маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этишининг ҳуқуқий асослари.....	300
<b>Урозов А.</b> Проблемы подготовки кадров в библиотечной системе: достижения, проблемы, решения.....	303
<b>Хабибова Г. Г.</b> Социально-культурная деятельность в «махаллях» Узбекистана.....	306

---

<b>Хакимова М. Я.</b> Актуальные вопросы качества предоставления читателям библиографических знаний(на примере информационно-библиотечного центра "Турон" Ташкентской области)..	308
<b>Ҳожиёва М. Ш.</b> Бўлажак ўқитувчилар маънавий маданиятини ривожлантиришда миллий мероснинг ўрни.....	313
<b>Худойназарова Ш. Т.</b> Значение хореографии в повышении социальной реабилитации детей с ограниченными возможностями в новом Узбекистане. ....	316
<b>Юсупова Н. Р.</b> Массовая культура – как вид социо-культурного феномена. ....	319